

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ НАВБАТДАГИ ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИНИ ЎТКАЗДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи”да навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди. Президентнинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчисининг биринчи ўринbosари Улуғбек Мухаммадиев иштирокида ўтказилган қабул чоғида вилоят ҳокимининг шахсий қабулини сўраб мурожаат қилган 102 нафар мурожаатчиларнинг масалалари кўриб чиқилди.

Қабулга вилоят секторлари раҳбарлари, вилоятдаги бошқарма ва идоралар бошлиqlари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳам жалб этилди. Қабулда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган мурожаатчилар иштирок этишди, энг кўп мурожаат Фарғона ва Кўйон шаҳарларида яшовчи фуқаролардан қабул қилинди.

Қабулда асосан уй-жой билан таъминлаш, моддий ёрдам ва субсидия олиш, даволаниш учун кўмаклашиш, банк кредити ажратиш, яшаш шароитларини яхшилаш, бандлик, суд-ҳукуқ масалалари, ичимлик суви, электр таъминотидаги носозликларни бартараф этиш, эгалик ҳуқуқини тиклаш ва бошқа масалалар бўйича қилинган мурожаатлар тегишли масъуллар иштирокида кўриб чиқилди.

Кўплаб масалаларга қабул давомида ижобий ечим белгилаш билан бир қаторда, баъзи фуқароларнинг мурожаатлари қўшимча ўрганиш олиб бориш учун мутасадди ташкилотларга топширилди. Қонуний жиҳатдан қаноатлантириш имкони мавжуд бўлмаган мурожаатлар бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-11-25 16:32:12